

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
“Тадбиркорликни ривожлантириш  
компанияси” акциядорлик жамияти  
Кузатув кенгашининг  
2024 йил “23” декабрдаги  
11/24-сон йиғилиш баёнига  
1 - илова

**“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси”  
акциядорлик жамиятининг  
2025 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН  
БИЗНЕС-РЕЖАСИ**

**Тошкент – 2024 йил**

## **Махфийлик тўғрисида хабарнома**

Мазкур маълумот «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси»  
акциядорлик жамиятининг мулки саналади.

Ушбу маълумотга эга бўлаётган исталган шахс ва ташкилот эгасининг  
розилигисиз уни бошқа бир шахсларга ва ташкилотларга бериш ва ундан  
кўчирма олиш ҳуқуқига эга эмас.

Маълумотларни ошкор этиш мақсадида ва акциядорлик  
жамиятларининг корпоратив веб-сайтларига бўлган талаблар тўғрисидаги  
Қоидалар талабларига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги №176 сон қарорига №1 сон илова)  
«Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамиятининг  
2025 йилга мўлжалланган бизнес-режаси (кўчирмаларда) жамиятнинг  
Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг қонунчиликка мувофиқ  
корпоратив веб-сайтда ва бошқа маълумотлар манбаида жойлаштирилади.

## **МУНДАРИЖА**

<b>Кириш</b> .....	<b>4</b>
<b>I. Жамият тўғрисида умумий маълумот</b> .....	<b>5</b>
1.1. «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти реквизитлари .....	5
1.2. Жамиятнинг ташкилий ва ижроия аппарати тузилмаси.....	6
1.3. Компания томонидан амалга оширилган ишлар.....	8
1.4. Рейтинг агентликларидан рейтинг олиш ҳамда халқаро стандартларни жорий қилиш бўйича маълумот.....	10
<b>II. Ривожланишнинг асосий йўналишлари</b> .....	<b>12</b>
<b>III. Молиявий инструментлар ва тақдим этиладиган молиявий ёрддамлар</b> .....	<b>14</b>
<b>IV. 2025 йил учун мўлжалланган мақсадлар, вазифалар ва устувор йўналишлар</b> .....	<b>16</b>
<b>V. Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар</b> .....	<b>21</b>
<b>VI. Бизнес рискларни бошқариш</b> .....	<b>23</b>
<b>VII. ИЛОВАЛАР</b> .....	<b>28</b>

## Кириш

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда Жамият деб юритилади) бизнес-режаси 2025 йилда Жамиятнинг асосий фаолият йўналишларини белгилаб берадиган ҳужжат сифатида ишлаб чиқилган.

Мазкур ҳужжат Жамиятнинг 2025 йилда Ўзбекистон молия бозорида хизмат кўрсатиш учун асос бўлиб, ушбу йилдаги мақсадли кўрсаткичларни амалга ошириш бўйича шу жумладан, уларга эришиш чораларини ўз ичига олади.

Бизнес-режа Жамиятнинг реал истиқболлари ва салоҳиятли имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, умумий мақсадга эришишга қаратилган барча ташкилий тузилмаларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи 2025 йилга мўлжалланган корпоратив вазифаларни белгилашни ўз ичига олади.

## I. Жамият тўғрисида умумий маълумот

### 1.1. «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти реквизитлари

Т/р	Номи	Кўрсаткичлар
1	Корхонанинг тўлиқ номи	“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти
2	Корхонанинг қисқартирилган номи	“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ
3	Ташкилий-ҳуқуқий шакли	Акциядорлик жамияти
4	Ташкил этилганлиги бўйича асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги ПФ-193-сон Фармони
5	Фаолият тури	Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш
6	Устав капитал	300 млрд сўм
7	Номинал қиймати	1 000 сўм
8	Акциялар сони	300 000 000 дона
9	Статистик таснифлари (ОКЭД коди)	84130
10	СТИР	305 109 064
11	Ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки	«Алокабанк» Амалиёт бошқармаси МФО 00401, х/р 20210000100809425002
12	Ишчилар сони	111 та
13	Юридик манзил	(100027), Тошкент шаҳар, Шайхонтахур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй
14	Доимий манзил	Тошкент шаҳар, Шайхонтахур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй

## **1.2. Жамиятнинг ташкилий ва ижроия аппарати тузилмаси**

Жамият ўз хўжалик фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, Низомлар ҳамда фаолиятнинг вазифалари ва йўналишларини белгиловчи ички корпоратив ҳужжатларга, Жамиятни бошқариш тартибига, шунингдек унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибига амал қилади.

Жамият акциядорлик жамияти шаклидаги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги таъсисчилигидаги юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, ўз шахсий ҳисобварақларига эга.

Жамиятнинг асосий вазифалари:

кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларни комплекс қўллаб-қувватлашга қаратилган кўшимча ёрдам инструментларини мустақил жорий этиш, тадбиркорларнинг қўллаб-қувватлаш чораларидан фойдаланиш имкониятини ошириш;

маҳаллий ва халқаро капитал бозорларида молиявий ресурсларни, шу жумладан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларини жалб қилиш;

кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш орқали иш ўринлари яратиш имконини берадиган давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурлар, лойиҳалар ҳамда тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги турдаги маҳсулотлар яратиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, шунингдек, ишлаб чиқариш фаолиятига самарали янги технологияларни жорий этиш;

ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турларидан келиб чиқиб уларнинг лойиҳаларига молиявий кўмаклашиш;


хизматлар кўрсатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва етиштириш соҳасида “яшил” ва энергия тежовчи технологиялар ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни кенг қўллаб-қувватлаш.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Жамиятнинг ягона акциядори ҳисобланади.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият томонидан тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдамларни тақдим этишнинг миқдорлари, параметр ва қоидаларига ўзгартириш киритиш, шу жумладан янги хизмат турларини жорий этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари тўғрисида ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” қонунига, Жамият уставига

амал қилиб, Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи томонидан бошқарилади.



Кузатув кенгаши таркиби 7 та аъзодан иборат бўлиб, улардан 3 таси мустақил аъзо ҳисобланади.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши қуйидаги таркибда шакллантирилган.

*1-жадвал*

### Жамият кузатув кенгаши ТАРКИБИ

Т/р	ФИШ	Кузатув кенгашдаги ўрни
1	Қўчқоров Жамшид Анварович	Кузатув кенгаш раиси
2	Хайдаров Абдулазиз Абдулахадович	Кузатув кенгаш аъзоси
3	Убайдуллаев Мирзохид Муродилович	Кузатув кенгаш аъзоси
4	Курбанов Давронбек Кадамбаевич	Кузатув кенгаш аъзоси
5	Трофимова Екатерина Владимировна	Кузатув кенгаш мустақил аъзоси
6	Manohari Gunawardhena	Кузатув кенгаш мустақил аъзоси
7	Султонов Тўлқин Толибович	Кузатув кенгаш мустақил аъзоси

Жамиятнинг ижроия органи Жамият ишларини ташкил этади ҳамда Жамият маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан тизимли мониторингни амалга оширади.

Жамиятнинг ижроия органи қуйидаги таркибда шакллантирилган.

**2-жадвал**

**Жамиятнинг ижроия органи  
ТАРКИБИ**

<b>Т/р</b>	<b>ФИШ</b>	<b>Лавозими</b>
1	Махаматов Аббосхон Махаматович	Жамият директори

Жамиятнинг ягона акциядорининг қарори билан Жамиятнинг ташкилий тузилмаси тасдиқланган. Тасдиқланган тузилмага кўра штатлар сони 111 нафарни ташкил этади.

Марказий банк ўз ваколатлари доирасида Жамият фаолиятини назорат қилади ва тартибга солади.

**1.3. Компания томонидан амалга оширилган ишлар**

Жамият Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (Жамғарма)нинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 ноябрдаги ПФ-193-сон “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосан Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этилди.

Бунинг натижасида, жаҳон стандартларига асосланган Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси ташкил этилди, фақат кичик эмас, ўрта тадбиркорларни ҳам қўллаб-қувватлаш имконияти яратилди, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш инструментлари 2 тадан 24 тага оширилди, ҳамкор сифатида тижорат банкларидан ташқари микромолия ташкилотлари ва лизинг компаниялари билан ишлаш имконияти берилди, халқаро молия институтлари ва инвесторлар билан мустақил ишлаш ваколати берилди.

2018-2024 йилларда жами **49,3 минг та** лойиҳага **17,5 трлн сўмлик** молиявий ёрдам кўрсатилди.



Ёрдамлар натижасида **382,2** минг янги иш ўринлари яратилиши белгиланган.

**3-жадвал**

**Худудлар бўйича тақдим этилган ёрдамлар  
 МИҚДОРИ**

млрд сўм

Т/р	Худудлар номи	Жами		шундан									
				кафиллик		Хизматлар мпотекаси		компенсация		Қайта молиялаштириш ПҚ 312		ресурс	
		лойиха сони	ёрдам миқдори	лойиха сони	ёрдам миқдори	лойиха сони	ёрдам миқдори	лойиха сони	ёрдам миқдори	лойиха сони	ёрдам миқдори	лойиха сони	ёрдам миқдори
	<b>ЖАМИ</b>	<b>49 311</b>	<b>17 547</b>	<b>13 601</b>	<b>10 517</b>	<b>9</b>	<b>52</b>	<b>33 550</b>	<b>6 662</b>	<b>2044</b>	<b>177</b>	<b>107</b>	<b>138,71</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2 130	945	716	621	0	0	1 275	311	137	12,6	2	0,4
2	Андижон вилояти	3 803	1 390	1 190	846	0	0	2 516	530	93	8,5	4	6
3	Бухоро вилояти	4 056	1 578	1 037	860	0	0	2 896	699	116	10	7	8
4	Жиззах вилояти	3 130	1 152	837	746	0	0	2 174	390	112	9,78	7	6
5	Қашқадарё вилояти	4 720	1 009	1 468	598	0	0	3 012	379	228	18,9	12	13
6	Навоий вилояти	2 272	766	537	436	1	1	1 573	299	149	13,2	12	15
7	Наманган вилояти	3 641	981	976	564	2	18	2 484	380	175	16,1	4	3
8	Самарқанд вилояти	5 003	1 118	935	580	1	14	3 893	503	166	14,1	8	7
9	Сурхондарё вилояти	2 675	1 207	1 026	716	0	0	1 476	469	170	13,9	3	8
10	Сирдарё вилояти	1 636	813	720	560	0	0	823	243	92	7,9	1	2
11	Тошкент вилояти	3 317	1 704	907	1 002	2	10	2 239	656	156	14,4	13	21
12	Фарғона вилояти	5 254	1 206	1 331	736	1	1	3 646	434	267	22,6	9	12,1
13	Хоразм вилояти	4 860	2 125	1 191	1 329	1	5	3 536	764	112	8,8	20	18
14	Тошкент шаҳар	2 814	1 554	730	922	1	3	2 007	603	71	5,9	5	20

Бунда, Хоразм, Тошкент, Бухоро вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар худудидаги тадбиркорлар Жамғарма ёрдамларидан кўпроқ фойдаланган.

**4-жадвал**

**Соҳалар бўйича тақдим этилган ёрдамлар  
 МИҚДОРИ**

млрд сўм

Т/р	Соҳалар	Жами		шундан				
				кафиллик	Хизматлар мпотекаси	компенсация	Қайта молиялаштириш	ресурс

										ПҚ 312			
		лойиха сони	ёрдам миқдори	лойиха сони	ёрдам миқдори	лойиха сони	ёрдам миқдори	лойиха сони	ёрдам миқдори	лойиха сони	ёрдам миқдори	лойиха сони	ёрдам миқдори
	ЖАМИ	49 311	17 547	13 601	10 517	9	52	33 550	6 662	2044	177	107	138,71
1	Қишлоқ хўжалиги	27 496	9 272	6958	5 047	1	14	20 491	4 177			10	16
2	Саноат	9 315	4 413	3 346	3 003	6	34	5 953	1 360			4	6
3	Хизмат кўрсатиш	12 500	3 861	3 274	2 466	2	4	7 106	1 125	2044	177	51	88

Олинган мажбуриятлар таркибида қишлоқ хўжалиги **9 272** млрд сўмни (53 фоиз), саноат **4 413** млрд сўмни (25 фоиз), хизмат кўрсатиш **3 861** млрд сўмни (22 фоиз) ташкил этди.

#### 1.4. Рейтинг агентликларидан рейтинг олиш ҳамда халқаро стандартларни жорий қилиш бўйича маълумот

Жамият томонидан 2025 йилда “Ахбор рейтинг” миллий рейтинг агентлигининг корпоратив кредит рейтингини олиш учун изчил ва тизимли ишлар олиб бориш режалаштирилган.

##### ISO сертификатини олиш бўйича ишлар.

ISO сертификатини олиш бўйича дастлабки ишлар бошланди ва 2025 йилда ҳодимларни ўқитиш ва ISO 9001 ҳамда ISO 37001 сертификатларини олиш назарда тутилмоқда. Бунда қуйдаги ишлар амалга оширилиши кутилмоқда:

№	Амалга ошириладиган ишлар
1	Жорий амалиётни баҳолаш
2	Хавф(риск) ва имкониятларни аниқлаш (ISO 9001)
3	Коррупция хавфини аниқлаш (ISO 37001)
4	Ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва янгилаш
5	Ҳодимларни ўқитиш
6	Тизимни ташкилотда жорий этиш
7	Ички тизим аудити
8	Бошқарув текшируви
9	Сертификатлаштириш аудитига тайёргарлик
10	Сертификатлаштириш аудити ва сертификат олиш

<b>11</b>	<b>Тизимни доимий такомиллаштириш</b>
-----------	---------------------------------------

### **ESG стандартларини жорий этиш**

Бугунги кунда экологик, ижтимоий ва бошқарув масъулияти тамойилларининг аҳамияти сезиларли даражада ошмоқда.

Экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG – Environmental, Social, and Corporate Governance) стандартлари экологик масъулият, юқори ижтимоий масъулият ва корпоратив бошқарув учун сифат талабларини ўз ичига олади. Кейинги йилларда ушбу тамойиллар халқаро молия ташкилотлари томонидан инвестиция қарорларини қабул қилишда мезон сифатида кўпинча ҳисобга олинади ва жаҳон молия бозорларига чиқиш даражасига таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида” ПФ-101-сон қарорига мувофиқ экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларига асосланган инвестицияларни жалб қилиш мақсадида ESG тизимини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган тадбирлар куйидаги жадвалда келтирилган.

<b>№</b>	<b>Тадбирлар</b>
<b>1</b>	Жамиятда ESG-тамойилларини татбиқ этиш ва бошқариш бўйича ишчи гуруҳни ташкил этиш;
<b>2</b>	Жамият ходимларининг ESG маданиятини шакллантириш;
<b>3</b>	ESG тамойилларини узоқ муддатли стратегияга интеграция қилиш;
<b>4</b>	Жамият хизматларидан фойдаланиб амалга ошириладиган лойиҳалар ташаббускорлари томонидан бажарилиши лозим бўлган экологик ва ижтимоий хавфларни бошқариш юзасидан қўйиладиган талабларини ишлаб чиқиш;
<b>5</b>	Жамиятнинг Экологик ва ижтимоий сиёсатини ишлаб чиқиш;
<b>6</b>	Барқарор молиялаштириш бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш;
<b>7</b>	Гендер тенглик, аёллар ҳуқуқлари бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш;
<b>8</b>	Ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий инвестиция бўйича сиёсатни

	ишлаб чиқиш;
9	Корпоратив конфликтларни тартибга солиш бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш;
10	Жамоатчиликдан мурожаатлар ва шикоятларни кўриб чиқиш сиёсатини ишлаб чиқиш;
11	Кадрлар бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш;
12	Корпоратив бошқарув кодексини ESG тамойилларига тўлиқ мослаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;
13	Рискларни бошқариш сиёсати ва рискларни бошқариш бўйича бошқа хужжатларга ESG тамойилларини интеграция қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;
14	Рағбатлантириш бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш;
15	Мижозлар билан ишлаш сиёсатини ишлаб чиқиш;
16	Информацион хавфсизлик ва киберхавфсизлик бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш;
17	Экология ва ижтимоий масалалар бўйича мутахассисларни доимий ишга ёллаш;
18	Рақамлаштириш ва инновация, ўзгаришлар/янгиликларни бошқариш (Change management) бўйича қўмита/гурух ташкил этиш;
19	Жамиятнинг ESG-ҳисоботини тайёрлаш ва очиқлаб бориш;
20	ESG тамойилларини Жамият фаолиятига тадбиқ этганлик бўйича Жамиятнинг самарадорлик асосий кўрсаткичлари(KPI)ни ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш.

Жамият томонидан ҳомийлик мақсадлари учун 7 млрд сўм харажат режалаштирилди.

## **II. Ривожланишнинг асосий йўналишлари**

Жамият томонидан 2025 йилда эришилиши мўлжалланган қуйидаги стратегик мақсадлар белгилаб олинган:

Тадбиркорларга кўрсатиладиган Жамият хизматларини сифат жиҳатдан мутлоқ янги поғонага чиқариш, улар билан ўзаро ишонч ва ошкораликка асосланган манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш.

Жамиятнинг инвестицион фаоллигини ошириш, Жамият активларининг барқарор ўсиб бориши билан бирга уларнинг сифатини доимий равишда юқори даражада бўлишини таъминлаш.

Таваккалчиликларни бошқариш тизимини такомиллаштиришни узлуксиз равишда амалга ошириш.

Жамият капиталлашув даражасини устав капиталини ошириш ҳамда йиллик соф фойда ҳисобидан кўпайтириб боришни таъминлаш.

Комплаенс назорат, ички хавфсизлик тизимини такомиллаштириш.

Маркетинг ва реклама стратегиясини ривожлантириш.

Жамият ходимларини самарали бошқариш асосларини такомиллаштириш.

Молиялаштиришни (капитал бозори (облигацияларни чиқариш), ХМИларнинг кредит маблағлари ва бошқалар) жалб этиш учун Жамиятнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш бўйича турли ҳил молиявий инструментларни ишлатиш сиёсатини олиб бориш.

### **III. Молиявий инструментлар ва тақдим этиладиган молиявий ёрдамлар**

Жамият томонидан 2025 йилда:

1. Ўрта тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш лойиҳаси қийматининг 50 фоизи, бироқ устав капиталининг 20 фоизи ёки 5 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда ташаббускорнинг устав капиталига кўчмас мулк объектлари, асбоб-ускуналар ва бошқа кўринишдаги активлар шаклида уларнинг капиталига улуш киритилади.

2. Ўрта тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш лойиҳаси қийматининг 70 фоизи, бироқ 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда 7 йил муддатга хизматлар ипотекаси орқали молиявий кўмак берилади.

3. Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларига кредит (лизинг) ажратиш учун тижорат банклари, микромолия ва лизинг ташкилотларига миллий ва хорижий валютада молиявий ресурслар жойлаштирилади.

4. Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларининг 70 фоизигача, бироқ 20 млрд сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда 7 йил муддатга молиявий қарз орқали кўмак берилади.

5. Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларига тижорат банклари, микромолия ва лизинг ташкилотлари томонидан миллий ва хорижий валютада ажратиладиган кредит, лизинг, банк кафолати ва аккредитивларга кафиллик тақдим этиш.

Жамият маблағларидан фойдаланиш бўйича тижорат банклари билан тузиладиган воситачилик шартномаларига асосан белгиланган лимит ҳамда умумий миқдор ва шартлар доирасида кредитлар бўйича кафиллик (портфель кафиллиги) тақдим этиш.

6. Кичик тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан ажратилган микрокредитларининг 100 миллион сўмгача қисмини қайтамолиялаштириш.

7. Кичик тадбиркорлик субъектларига кредит фоиз ставкаларини бир қисмини қоплаш учун компенсация тақдим этилади.

Бунда, компенсация тўловлари Давлат бюджетидан ажратиладиган трансфертлар ҳисобига Иқтисодиёт ва молия вазирлигида юридик шахс ташкил этмасдан очиладиган Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси ҳисобидан тўланади.

Юқорида келтирилган Жамиятнинг ёрдамлари Жамият кенгаши томонидан тақдиқланган Низомларга асосан тақдим этилади.

Жамият томонидан молиявий ёрдамлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган, тугатилиш босқичида бўлмаган, тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилмаган ва “ёмон” кредит тарихига эга бўлмаган ҳамда мурожаат санасида кредит (лизинг, банк кафолати, аккредитив) ва солиқлардан муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаган тадбиркорлик субъектларига тақдим этилади.

### 5-жадвал

## Жамият томонидан 2025 йилда кўрсатиладиган ёрдамлар МИҚДОРИ

млрд сўм

№	Кўрсатиладиган ёрдамлар	2025 йилда кўрсатиладиган ёрдамлар бўйича		Ёрдам улуши
		лойиха сони	ёрдам миқдори	
	<b>ЖАМИ</b>	<b>28 987</b>	<b>4 152,5</b>	<b>100%</b>
1	Кафиллик ёрдамини кўрсатиш	506	303,6	7%
2	Хизматлар ипотекаси	83	288,7	7%
3	Улуш киритиш (қарз)	80	200,2	5%
4	Ресурс	1 317	560	13%
5	Қайта молиялаштириш	26 499	2 650	64%
6	Компенсация	502	150	4%

2025 йил давомида **28 987 та** лойихага **4 152,5 млрд сўм** миқдоридан молиявий ёрдамлар тақдим этилиши режалаштирилмоқда. Жумладан,

**506 та** лойихага **303,6 млрд сўм**лик кафиллик тақдим этиш;

**83 та** ўрта тадбиркорлик субъектларига **288,7 млрд сўм**лик хизматлар ипотекасини тақдим этиш;

**80 та** ўрта бизнес корхоналарига **200,2 млрд сўм** молиявий ёрдам тақдим этиш ва улуш киритиш;

**1 317 та** лойихага **560 млрд сўм** ресурс ёрдамини тақдим этиш;

**28 987 та** кичик тадбиркорлик субъектларининг **2 650 млрд сўм** микрокредитларини қайта молиялаштириш;

**502 та** лойихага **150 млрд сўм** компенсация тақдим этиш.

#### **IV. 2025 йил учун мўлжалланган мақсадлар, вазифалар ва устувор йўналишлар**

##### **Стратегик мақсадларга эришиш бўйича амалга ошириладиган ишлар:**

йил давомида **28 987** та лойиҳага **4 152,5** млрд сўм миқдорида молиявий ёрдамлар тақдим этиш;

кичик бизнес субъектларини ўрта бизнес тоифасига ўтишга ёрдамлашиш;

корпоратив бошқарув тамойиллари ва кадрлар сиёсатига янада қатъий риоя қилиш;

замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни жорий қилиш ва Жамият ёрдамларини тақдим этиш жараёнларини рақамлаштириб бориш;

Жамиятнинг ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш;

энг яхши молиявий кўрсаткичларга эришиш, айниқса соф даромад прогноз кўрсаткичларини бажариш.

##### **Халқаро ҳамкорлик ишлари:**

халқаро молия институтлари, тижорат банклари ва бошқа хусусий инвесторларни Жамиятнинг устав капиталида иштирок этишга жалб қилиш;

Жамиятга халқаро молия институтлари ва ташкилотларидан қарз маблағларини жалб этиш;

жалб этилган маблағлар рентабеллигини ошириб бориш;

хорижий тажрибаларни яқиндан ўрганиш мақсадида хорижий давлатларга хизмат сафарларни амалга ошириш.

##### **Ҳисоб сиёсати ва активларни бошқариш:**

Жамият ўз молиявий ҳисоботларини молиявий активларни таснифлаш ва ўлчашга қўйиладиган янги талабларни ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС) ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га мувофиқ юритиш;

халқаро ва маҳаллий инвесторлар бўйича молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ҳисоботларни расмийлаштириш;

даврий ҳисоботларни нашрлар орқали чиқариб боришни йўлга қўйиш;



Жамият ўз маблағлари миқдорини ошириб боришга қаратилган ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш;

дебитор-кредитор қарзлар, жалб этиладиган қарз миқдорлари энг юқори миқдорларини белгилаш ва назоратини олиб бориш;

молиявий ҳисоботларни шаклланишини автоматлаштириш;

активларни самарали бошқариш юзасидан тегишли тартибларни ишлаб чиқиш;

активлар рентабеллигини ошириб бориш;

бир йилда (доимий) Жамият маблағларига нисбатан тақдим этиладиган ёрдамларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш услубиётини жорий қилиш;

компенсация ёрдамларини кўрсатиш ишлари Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимида олиб бориш;

### **Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш:**

Жаҳон банкининг Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини ўрганиш натижалари бўйича берилган тавсияларига асосан Жамият фаолияти такомиллаштириш;

Жамият Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи тўғрисидаги Низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масалаларини кўриб чиқиш;

ҳар чорак якуни билан қўмиталар ва Кузатув кенгашга ҳисоботлар тақдим этиш;

корпоратив бошқарув масалалари бўйича ички норматив базасини такомиллаштириш юзасидан янги ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

### **Лойиҳаларнинг мақсадли параметрларига эришишни таҳлил қилиш ва мониторингни такомиллаштириш:**

ёрдамлар тақдим этилган лойиҳалар натижадорлигини баҳолаш меъзонларини ишлаб чиқиш;

натижадорликни таҳлили интеграцион ахборотлар асосида Тадбиркор ахборот тизимида алоҳида модул ишлаб чиқиш;

натижадорликни таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш;

мониторинг таҳлил бўйича Тадбиркор ахборот тизимида алоҳида модул ишлаб чиқиш;

муаммоли активлар миқдорини белгиланган меъёрлардан ортиб кетмаслигини таъминлаш;

масофавий мониторингни турли ахборот база орқали амалга оширишни кенгайтириш.

### **Ички аудитнинг самарадорлигини ошириш:**

ички аудит хизмати томонидан Жамият ва хуудларда ўтказиладиган ички аудит текширув ҳисоботлари бўйича Аудит қўмитасига ўз вақтида ҳисоботларни тақдим этиш;

Аудит қўмитасига иш режа ва самарали фаолиятни таъминлаш мақсадида самарадорлик кўрсаткичларини тақдим этиб бориш;

ташқи аудитдан ўтазиш талаблари бўйича тартиб ишлаб чиқиш.

### **Рискларни бошқариш тизимини такомиллаштириш**

Жамиятда рискларни аниқлаш, уларни энг паст ва юқори меъёрларини белгилаш ва уларни бошқариш ҳамда даражасини пасайтириш юзасидан тегишли ишларни амалга ошириб бориш;

экологик, фавқулотда ҳолатдаги (техноген) ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш;

хар чорак якуни билан қўмиталар ва Кузатув кенгашга ҳисоботлар тақдим этиб бориш;

рискларни самарали бошқариш тизимини жорий қилиш мақсадида халқаро консультантларни жалб этиш;

рискларни олдини олиш мақсадида рақамли ва масофавий назорат ишларини такомиллаштириш;

рискларни бошқариш соҳаси бўйича тренинглар ташкил этиш ёки ташкил этилаётган тренингларда иштирок этиш.

### **Комплаенс назорат ва ички хавфсизлик тизимини жорий этиш:**

коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликка мунтазам хабардор қилиш учун расмий веб-сайтида махсус саҳифа, электрон почта, ишонч телефони ва телеграм бот каналларини очиш;

Жамиятнинг коррупцияга қарши бошқарув тизимини ИСО 37001:2016 халқаро стандарт талабларига мувофиқлаштириш ҳамда сертификат олиш;

соҳага оид рискларни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш ва аниқланган рискларни камайтириш механизмларини халқаро тажриба асосида такомиллаштириш бўйича ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш.

### **Хизматлар сифатини ошириш ва ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш:**

Жамият ёрдамларини тақдим этиш тўлақонли рақамлаштириб боришни таъминлаш;

Тадбиркор ахборот тизимини модернизация қилиш;

Жамиятнинг мобил иловасини ишга тушириш;

тадбиркорларга Жамият ёрдамларини тезкорликда етказиб бориш таъминлаш;

хизмат кўрсатиш сифати ва тезкорлигини ошириш юзасидан фаолиятни автоматлаштириб бориш.

### **Кадрлар сиёсати:**

Жамият ходимларини корпоратив жараёнлар, хорижий тиллар ва бошқа зарурий соҳаларга ўқитиш ишларини ташкил этиб бориш;

Жамият ходимлари фаолиятини ва билимини баҳолаб бориш тизимини жорий этиш;

Жамиятнинг бўш иш ўринларига малакали мутахассислар билан тўлдириш;

меҳнат унумдорлиги, ходимлар қўнимсизлик кўрсаткичлари бўйича кўзланган мақсадларга эришишни таъминлаш.

### **Маркетинг ва реклама стратегияси:**

молиявий ёрдамлар тўғрисидаги маълумотларни ўзини ўзи банд қилган шахслар, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига доимий равишда етказиб бориш;

қўллаб-қувватлаш борасидаги янгиликларни қисқа муддатларда етказиб бориш;

Жамият мавқеини оширишни таъминлаш;

расмий сайт, ижтимоий саҳифаларда маълумотларни ёритиб боришни кенгайтириш;

Жамият фаолияти тўғрисида маълумот берувчи ўзбек, рус, инглиз тилларида видеороликлар тайёрлаш;

Жамият ҳақида батафсил маълумот беришни таъминлаш мақсадида “brand book” тайёрлаш;

Жамият расмий веб сайтнинг функционалигини, дизайнини ва мижозлар билан алоқа қилишни яхшилаш каби тамойилларга асосланган ҳолда замон талабларига мос равишда модернизация қилиш;

ўзини ўзи банд қилган шахслар, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига “Тадбиркорларга маслаҳат”, “Реклама хизмати” ва бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиб бориш.

## **V. Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар**

2025 йилда Жамият молия сиёсатининг қуйидаги асосий тамойилларига риоя қилган ҳолда ўз фаолиятини бозорнинг барча йўналишларида фаоллаштиришни мақсад қилган:

тўлов қобилиятини мувозанатлаш ва мутлақ молиявий кўрсаткичларнинг самарали ўсиши;

активларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини сақлаб қолган ҳолда уларнинг мақбул даромадлилигини таъминлаш.

### **Ресурс базасини шакллантириш ва жойлаштириш режаси**

2025 йилда жалб этиладиган маблағлар **1 097,8** млрд сўм сўмни ташкил этади. Хусусан:

МТМларининг кредитларига ресурс ажратиш учун бюджет ссудаси учун **126** млрд сўм;

АРЕХ микромолиялаш тизимини жорий этиш учун **128** млрд сўм (10 млн АҚШ доллар);

Ислом тараққиёт банкидан **96,7** млрд сўм;

Жаҳон банкидан хизмат кўрсатиш, “яшил” ва энергия самарадор лойиҳалари учун **257,6** млрд сўм;

2022 йил 13 июлдаги ПҚ-317-сон қарорига асосан Жаҳон банкнинг 2 фазаси 2 транши ҳисобидан **188,7** млрд сўм;

Қимматли қоғозлардан маблағлар **300,0** млрд сўм.

### **2025 йил учун даромадлар кўрсаткичлари**

Жамият фаолиятининг молиявий натижалари қуйидаги кўрсаткичлар билан характерланади:

фоизли даромадлар **987,5** млрд сўм;


фоизсиз даромадлар **12,1** млрд сўм;

бошқа даромадлар **5,0** млрд сўм;

2025 йил давомида Жамият **1 004,6** млрд сўм даромад олиш кутилмоқда.

2-диаграмма

Жамиятнинг 2025 йил учун даромадлар  
 ПРОГНОЗИ



Фоизли шаклдаги даромадлар



Фоизсиз шаклдаги даромадлар



Жалб қилинадиган маблағлардан даромадлар



Бошқа даромадлар

2025 йил учун харажатлар кўрсаткичлари

Жамиятнинг молиявий натижасини аниқлаш мақсадида Жамиятнинг ижро органи ва Кузатув кенгашини сақлаш харажатлари харажатлар таркибига киритилади.

2025 йил давомида Жамият томонидан **434,6 млрд сўм** харажат амалга ошириши режалаштирилмоқда.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Ижроия органига тўланадиган иш ҳақи фонди миқдори (энг кўп миқдори) **78 млрд сўм** этиб режалаштирилмоқда.

Жамиятнинг эҳтимолий йўқотишларга қарши захира учун **486,5 млрд сўм** йўналтирилади.

2025 йилда белгиланган даромадлар ва харажатлар амалган оширилса ҳамда захиралар шакллантирилса, Жамият томонидан **12 млрд сўм** фойда солиғи тўланиши ҳисоб-китоб қилинди.

## **VI. Бизнес рискларни бошқариш**

### **6.1. Таваккалчиликларни бошқариш сиёсати**

Сиёсатда Таваккалчиликларни бошқариш тизимининг мақсадлари, вазифалари ва принциплари ҳамда Таваккалчиликларни аниқлаш ва ўлчаш жараёни шунингдек назорат ва мониторинг қилиш ҳамда ҳисобот бериш тартиблари белгиланди.

Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олган ҳолда Жамиятнинг барча таркибий бўлинмалари ва ходимлари ўртасида рискларни бошқариш бўйича вазифалар, масъулият ва ваколатларни аниқ тақсимлаш мақсадида таваккалчиликларни бошқариш тизими ҳимоянинг уч чизиғи методига асосланиши белгиланди:

а) ҳимоянинг биринчи чизиғи — бевосита Жамият хизматларини кўрсатишга масъул бўлган таркибий бўлинмалар. Мазкур таркибий бўлинмалар таваккалчиликларни қабул қилиб олади ва аниқланган рискларни ўз вақтида бартараф этади, шунингдек таваккалчиликларнинг жорий бошқарилиши юзасидан ҳисоботлар бериб боради.

б) ҳимоянинг иккинчи чизиғи — таваккалчиликларни бошқаришга масъул таркибий бўлинмалар ҳамда назорат функциялари мавжуд бўлган бошқа таркибий бўлинмалар. Мазкур таркибий бўлинмалар таваккалчиликларни аниқлайди ва бошқариб боради.

с) ҳимоянинг учинчи чизиғи — ички аудит хизмати. Мазкур таркибий бўлинма таваккалчиликларни бошқариш тизимини текширади ва баҳолайди.

Шунингдек, Жамиятда риск инцидентлари аниқланган ва ўлчанган сўнг кўйидаги усуллардан бири танланиши белгиланди:

1) Қабул қилиш – рисклар, риск аппетити/ички чегара лимитлари даражасида бўлганда қабул қилиниши мумкин. Бунда, эҳтимолли таъсир ёки таъсир қиладиган чоралар кўрилмайди;

2) Чора кўриш – рискларнинг эҳтимолий таъсири ёки таъсирини керакли даражага камайтириш учун чоралар кўриш;

3) Бартараф этиш – критик даражада риск туғдирадиган фаолият (амалиёт)дан чиқиш ёки ундан қочиш учун чора кўрилади;

4) Ўтказиш – рискнинг бир қисмини учинчи шахсга ёки суғурта ташкилотига ўтказиш ёки бошқа тарзда бўлиш/ўтказиш орқали риск камайтирилади.

Сиёсатда Жамият ўз фаолияти давомида юзага келиш жойи ва вақтига, уларнинг даражасига таъсир кўрсатадиган ташқи ва ички омиллари ҳамда уларни таҳлил қилиш ва баҳолаш усулига кўра ўзаро фарқланадиган турли хил молиявий ва номолиявий таваккалчиликларни бошқариш жараёнлари инобатга олинди.

Шу билан бирга, Жамиятда таваккалчиликларини бошқариш тизимининг асосий иштирокчилари уларнинг функциялари ва ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби белгиланди.

### **6.2. Компанияда активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби**

Низомга асосан Жамиятнинг қуйидаги активлар сифати бўйича таснифланади ва эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантирилиб борилади:

- a) Узоқ муддатли инвестициялар;
- b) Узоқ муддат дебитор қарзлар ва кечирилган харажатлар бўйича ҳисоблар;
- c) Олинадиган счётлар;
- d) Ажратилган бўлинмалар, шўба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар;
- e) Ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар;
- f) Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар;
- g) Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар;
- h) Турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олувчи счётлар;
- i) Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;
- j) Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;
- k) Қисқа муддатли инвестициялар;
- l) Бошқа жорий активлар;
- m) Тақдим этилган кафилликлар;
- n) Кредит таваккалчилиги мавжуд бўлган бошқа активлар ва балансдан ташқари моддалар.

### **6.3. Компаниянинг риск-аппетити баёноти**

Риск-аппетити баёнотига асосан Жамиятнинг сезиларли таваккалчиликлар реэстри шакллантирилади ҳамда паст, ўрта ва юқори риск даражаларидан келиб чиққан ҳолда мониторинг ва назорат қилиб бориш тизми йўлга қўйилади.

Жамият томонидан ўз стратегик мақсадлари ва бизнес режа кўрсаткичларига эришишда салбий ёки ижобий таъсир кўрсатадиган қуйидги асосий риск турларининг бажарилиш ҳолати баҳолаб борилади:

- Кредит rischi;
- Ликвидлик rischi;
- Бозор rischi;
- Операцион риск.

Риск-аппетити баёнотида белгиланган кўрсаткичларнинг жорий ҳолати тўғрисида Жамият Ижроия органи ва Кузатув кенгашига ҳисоботлар тақдим этиб борилиши йўлга қўйилади ва эрта огоҳлантирувчи белгилар орқали эҳтимолий йўқотишларни камайтириш ва/ёки олдини олишга эришилади.



## 6.4. Жамиятнинг 1 ва 2 тоифадаги рисклар рестри

Т/р	Рискларнинг номланиши	Риск даражаси	Таъсир доираси	Маъсул таркибий бўлинма
1	Муаммоли кафиллик қисмининг Компания капитали билан таъминланганлиги	Юқори риск	Молиявий фаолият	Кафиллик тақдим этиш бўлим, Активларни бошқариш бошқармаси, Мониторинг ва муаммоли активлар билан ишлаш бошқармаси Таваккалчиликни бошқариш бўлими.
2	Эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантирилганлиги	Юқори риск	Молиявий фаолият	Таваккалчиликни бошқариш бўлими, Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими, Бизнес жараёнларини рақамлаштириш бўлими, Ички аудит хизмати.
3	Муаммоли кафиллик қисми / Кафиллик учун берилган маблағлар	Юқори риск	Молиявий фаолият	Кафиллик тақдим этиш бўлим, Активларни бошқариш бошқармаси, Мониторинг ва муаммоли активлар билан ишлаш бошқармаси.
4	Муаммоли кафиллик улиши	Юқори риск	Молиявий фаолият	Кафиллик тақдим этиш бўлим, Мониторинг ва муаммоли активлар билан ишлаш бошқармаси.
5	Капитал етарлилиги	ўрта риск	Молиявий фаолият	Активларни бошқариш бошқармаси, Барча бизнес бўлинмалари.
6	Халқаро рейтинг даражаси	Юқори риск	Молиявий фаолият / Репутация	Стратегик ривожлантириш ва йиғма таҳлил бўлими, Халқаро ҳамкорлик ва инвестиция жалб қилиш бўлими.
7	Маҳаллий рейтинг даражаси	Юқори риск	Молиявий фаолият / Репутация	Стратегик ривожлантириш ва йиғма таҳлил бўлими, Халқаро ҳамкорлик ва инвестиция жалб қилиш бўлими.
8	Ишлаб чиқилган Компания маҳсулотларнинг автоматлаштирилганлиги	Юқори риск	Операцион фаолият	Бизнес жараёнларини рақамлаштириш бўлими, Компания хизматларини тақдим этиш бўйича таркибий бўлинмалар.
9	Ҳисоботларнинг автоматлаштирилганлиги	Юқори риск	Операцион фаолият	Бизнес жараёнларини рақамлаштириш бўлими, Компаниянинг барча таркибий бўлинмалари.
10	Захира серверларининг асосий бинодан бошқа бинода жойлашганлиги	Юқори риск	Операцион фаолият	Бизнес жараёнларини рақамлаштириш бўлими, Комплаенс-назорат ва хавфсизлик бўлими.

## **VI. ИЛОВАЛАР**